

1 131 294,7 минг сўмлик қисмини Жамият (ижроия аппарат, ҳудудий филиаллари ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ) меҳнат жамоасига йиллик мукофот пули тўлаш учун йўналтириш тўғрисида тавсия берилганлиги маълум қилинди.

2017 йил яқунлари бўйича Жамият соф фойдасидан бериладиган дивидендлар миқдорининг эгаси ёзилган ҳар бир оддий акцияга 152,10 сўм (акция номинал қийматининг 6,0 фоизи) ва эгаси ёзилган ҳар бир имтиёзли акцияга Жамият уставининг 48-моддасига мувофиқ 633,75 сўм (акция номинал қийматининг 25,0 фоизи) даражасида белгилаш тўғрисида;

дивидендларни тўлаш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда, яъни Умумий йиғилиш яқунлари эълон қилинганидан сўнг 30 кундан кейин, лекин мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кунлик муддатдан ошмаган ҳолда, акциядорлар – юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан, акциядорлар-жисмоний шахсларга эса уларнинг пластик карточкасига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилиши тўғрисида тавсия берилганлиги маълум қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

9. Ўз вазифаларини бажарганлиги учун Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига, Бош директор ва Бошқарув аъзоларига йиллик мукофот пули ва тафтиш комиссиясига бир маротабалик ҳақ тўлаш.

Мазкур масала бўйича “O‘zagrolizing” акциядорлик жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи Д. Холдаралиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2017 йил фаолиятини ижобий яқунланишида ва яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришишида Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг амалий ёрдами катта бўлганлигини таъкидлади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2015 йил 14 майдаги қарори асосида “Кузатув кенгаши тўғрисида Низом” тасдиқланган бўлиб, ушбу “Низом”нинг 58 ва 59-моддаларида Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига бир йилда бир марта Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича Жамият томонидан “Бизнес режа”да белгиланганидан ортиқча олинган соф фойдасининг 10 фоизи миқдоридан мукофот пули тўланиши белгиланган.

“Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”нинг 59-моддасидан келиб чиққан ҳолда ортиқча олинган соф фойда (2 197 947 100,0 сўм)нинг 10 фоизини ташкил этувчи 219 794 710 сўмлик мукофот пулини:

Кузатув кенгаши раисига - ортиқча олинган соф фойданинг 2,0 фоизи; аъзолари ҳар бирига - ортиқча олинган соф фойданинг 1,25 фоизидан;

котибига - ортиқча олинган соф фойданинг 0,5 фоизи миқдоридан тақсимлаган ҳолда бериш;

Умумий йиғилиш Раиси сўз олиб, “Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом”нинг 46 ва 47-моддаларида Тафтиш комиссияси аъзоларига Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўз вазифасини бажарганлиги учун қуйидаги Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ сифатида жами 10 796 400 сўм, жумладан:

| Тафтиш комиссияси аъзоси | Мукофот суммаси |
|---------------------------------|------------------------|
| Алимов Кабул Ботирович | 5 398 200 сўм; |
| Алмазова Елена Александровна | 5 398 200 сўм; |
| Бозоров Шерзод Эшманович | - |

тўлаш, комиссия ишида умуман иштирок этмаганлиги учун Бозоров Шерзод Эшмановичга ҳақ тўламаслик тўғрисида умумий йиғилишга таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси Жамият томонидан 2017 йил якуни бўйича эришилган ижобий натижаларда Бошқарувнинг хизмати юқори бўлганлигини алоҳида эътироф этди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2015 йил 14 майдаги қарори асосида тасдиқланган “Ижроия органи - Бошқарув тўғрисида Низом”нинг 59 ва 60-моддаларида Бош директор ва Бошқарув аъзоларига бир йилда бир марта Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича Жамият томонидан “Бизнес режа”да белгиланганидан ортиқча олинган соф фойдасининг 10 фоизи миқдоридан йиллик мукофот пули тўланиши белгиланган.

“Ижроия органи - Бошқарув тўғрисида Низом”нинг 60-моддасидан келиб чиққан ҳолда, ортиқча олинган соф фойда (2 197 947 100,0 сўм)нинг 10 фоизини ташкил этувчи 219 794 710 сўмлик мукофот пулини:

Бош директорга - ортиқча олинган соф фойданинг 2,6 фоизи;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директорга - ортиқча олинган соф фойданинг 2,0 фоизи;

Бошқарувнинг қолган аъзолари ҳар бирига - ортиқча олинган соф фойданинг 1,8 фоизидан миқдорларда тақсимлаган ҳолда бериш таклиф этилди.

Шунингдек, мукофот пулини тўлашда қуйидаги Бош директор ва Бошқарув аъзолари ҳар бирининг ҳисобот йилида ҳақиқий ишлаган даврини инобатга олиниши таклиф этилди:

Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчи Б. Рузметовга – 2017 йил 01 январдан 2017 йил 05 февралгача;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи Б. Рузметовга – 2017 йил 06 февралдан 2017 йил 11 мартгача;

Бош директор Х. У. Имамовга – 2017 йил 06 февралдан 2017 йил 31 декабргача;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директор Д. А. Холдаралиевга – 2017 йил 13 мартдан 2017 йил 31 декабргача;

Бошқарув аъзоси Х. Саидахмедовга – 2017 йил 01 январдан – 2017 йил 14 апрелгача;

Бошқарув аъзоси Б. Каримовга – 2017 йил 17 апрелдан – 2017 йил 31 декабр-гача;

Бошқарув аъзолари Н. Атабаев ва П. Ходжиевга – 2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабргача.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

10. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрида қолдириш.

Мазкур масала бўйича Жамият Бош бухгалтери Н. Атабаев сўзга чиқиб, баъзи акциядорларнинг Жамият ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жами 32 189 036,96 сўмлик ўз дивидендларини 3 йилдан ортиқ муддат мобайнида олмаётганлигини қайд этди. Ушбу дивидендларни ўз эгасига етказиш учун Жамият томонидан амалдаги конунчиликда белгиланган барча чоралар кўрилган, яъни уларга ёзма мурожаат қилиниб, хизмат кўрсатувчи банкда алоҳида ҳисоб

рақамлари очилган ҳамда эгалари томонидан олинмаган дивидендлар ушбу ҳисоб рақамларига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддаси (“Дивидендларни тўлаш тартиби”) бешинчи қисмига мувофиқ, эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденднинг Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг қайд этиб ўтилган амалдаги қонунчилик меъёрлари асосида 3 йилдан ортиқ муддат мобайнида ўз эгалари томонидан талаб қилиб олинмаётган 32 189 036,96 сўмлик дивиденд суммасини Жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф этди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш Раиси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларини ҳар йили янгидан сайланиши белгиланганлигини қайд этди.

Жамият Уставининг 95-бандига мувофиқ Кузатув кенгашининг сон таркиби 7 (етти) аъздан иборат этиб белгилангани ҳолда Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги акциядорлар томонидан жами 10 та номзод киритилган. Жумладан:

“O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ томонидан 2018 йил 10 январдаги МШ-18-13/37-сонли ҳамда 2018 йил 29 мартдаги МК-18-13/397-сонли хатлар билан қуйидаги номзодлар киритилган:

Отажонов Нодир Собирович - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

Рафиқов Абдуваққос Воҳидович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси машинасозлик, автомобил ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири;

Каримов Мухтор Акбарович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ бошқарув раиси;

Ахмедгариев Радион Евгеньевич - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи;

Махмудов Шерзод Кадиорович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ Ходимларни бошқариш бўлими бошлиғи;

Кўзиев Ихтиёр Бахтиёрович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ Юридик хизмат бўлими бошлиғи;

Рашидов Абдухалил Абдурахимович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ Молиявий-иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи.

АТБ “Туронбанк” томонидан 2018 йил 11 январдаги 11/01-28-сонли хат билан қуйидаги номзодлар киритилган:

Хужақулов Абдунаби Ҳакимович - “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки “Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти” директори вазифасини вақтинча бажарувчи.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.